

Xabar

47
(1001)-son

25-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч



Дарҳақиқат, Ватан саждагоҳ каби муқаддас маскан, уни ҳимоялаш эса шарафли бурчдир. Юртни ёт кучлардан ҳимоя қилишда Республикаимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган аскар ва офицерларнинг муносиб ҳиссалари бор. Улар кунни кун, тунни тун демай, Ватан сарҳадларини зийраклик билан ҳимоя қилмоқдалар, шу билан биргаликда, ўз устларида тинимсиз ишлаб, янги, замонавий техникаларни, қурол-аслаҳаларни қандай ишлатишни ўрганиб ҳам олмақдалар.

Энг хавфли вазиятларда, фавқулодда ҳолатларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларига яқиндан ёрдам бераётган, қўллаб-қувватлаётган, шунингдек, табиий офатлар пайтида қутқарувчиларни алоқа билан таъминлаётган шундай ҳарбий қисм борки, соҳамиз мутахассислари, аҳоли ҳамда бошқалар улар билан фахрланадилар, уларга ҳар қандай ҳолатда ишонадилар. Булар Махсус авария-тиклаш бошқармасининг фидойи ҳарбий мутахассисларидир.

3-бет

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Жанубий Кореяда жаҳондаги биринчи Mirasol дисплейлари ўрнатилган электрон китоб ўқиш қурилмалари сотувга чиқди. E Ink "электрон қоғози"га ўхшаш бу дисплейлар фақат суратлар яратишда электр энергиясини сарфлайди, тасвири томоша қилиш учун эса кундузги ёруғликнинг ўзи кифоя қилади.



Mirasol экранлари рангли бўлгани боис ҳам статик, ҳам динамик тасвир (видео ва анимация)ни акс эттира олади. Бу дисплейнинг одатдагиларидан асосий фарқи шуки, қуёш нурида тасвири кўриш қийинлашмайди, аксинча, ёруғлик кучайгани сайин тасвирлар янада яхшиланиб, тиниқлашиб бораверади.

Ушбу сонда:

- ТАТУга ХТИ сертификати топширилди 2
- Телекоммуникация қонунчилигини такомиллаштириш — давр талаби 4
- Состоялась встреча с заместителем генерального секретаря международного союза телекоммуникаций 6
- Компьютер ва биз ёхуд соғлиғимиз ўз қўлимизда 12
- Таълимда янги технологиялар 13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмокда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатни келгуси йили ривожлантиришнинг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжати — 2012 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида вилоятда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, махаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва бошқармалар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тошкентда "БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Экология ҳаракати томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Мамлакатимизда халқаро намунадаги биометрик паспортни — унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатни расмийлаштириш ҳамда бериш бошланди. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан, мамлакатимиз 2015 йилнинг охиригача биометрик паспортлаштириш тизимига тўлиқ ўтади.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Bazar-Art. Куз-2011" IX Ўзбекистон анъанавий ва безакли-амалий санъат кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил қилинган ушбу кўргазма-ярмаркада мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста хунармандларнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

ТАТУга ХТИ сертификати топширилди

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Жорий йилнинг 24 ноябрида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи (ХТИ) Электроалоқани ривожлантириш секторига аъзо бўлиши муносабати билан университетга ХТИ Бош котиби ўринбосари жаноб Ҳоулин Чжао ташриф буюриб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар билан учрашди.

ТАТУ мажлислар залида бўлиб ўтган мазкур учрашувни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов очиб, аввало, жаноб Ҳ.Чжаога ташриф учун миннатдорчилик билдирди. Барча йирилганларни ТАТУнинг соҳанинг нуфузли ташкилотига аъзо бўлганлиги билан табриклади. ХТИ Электроалоқани ривожлантириш секторига аъзолик университетга Секторнинг ишчи органларида, семинар, анжуман ва бошқа тадбирларида фаол иштирок этиш, ХТИнинг техник ва маслаҳат ёрдами жабб қилиш имкониятларидан фойдаланиш, Секторга аъзо бўлган дунёнинг илғор соҳавий олий таълим даргоҳлари билан икки томонлама алоқаларни кенгайтириш, университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун маърузалар ташкил этишга ХТИнинг малакали экспертлари ва Сектор аъзоларини жалб қилиш каби имкониятларни яратишини таъкидлади.

Шундан сўнг Ҳ.Чжао сўзга чиқиб, замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларга, жумладан, телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш, мобил алоқани ривожланти-



риш, рақамли телевидениега ўтиш борасида Ўзбекистон эришаётган муваффақиятларга юксак баҳо берди.

Ҳоулин Чжао ТАТУ ректорига университетнинг академик ташкилот сифатида Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи Электроалоқани ривожлантириш секторига аъзо бўлганлиги тўғрисидаги сертификатни топширди.

Шу кунги меҳмон ТАТУ фаолияти билан яқиндан таништирилди. Унга университетнинг халқаро фаолияти, ҳудудлардаги филиаллари, Ўзбекистоннинг бошқа ўқув муассасалари билан олиб борилаётган маъсофавий ўқитиш жараёнлари ҳақида атрофича маълумотлар берилди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Деҳқонободлик ёшлар ва АКТ



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиаллари раҳбар ходимлари Деҳқонобод туманидаги ахборот технологиялари коллежида бўлишиб, ўқувчи-ёшларга яратилган шарт-шароитлар, фанларнинг ўқитилиши, лаборатория ва ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази билан танишдилар.

Шу кунги вилоят ахборот-кутубхона маркази ва Қашқадарё почтаси коллежга бир дондан компютер жамламаси, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали принтер, "Ўзмобиайл" филиалининг Қашқадарё участкаси битта стационар телефон аппаратурини ўқув жараёнларида фойдаланиш учун топширилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг профессор-ўқитувчилари томонидан "Устоз ва шогирд" анъаналарини давом эттириш доирасида тузилган ре-

жага мувофиқ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси кўникмалари ҳамда соҳанинг келгусидаги истиқболлари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг жадал ривожланиб бораётганлиги тўғрисида атрофича маълумотлар берилиб, соҳа йўналиши бўйича таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг алоқа корхоналарида малакавий амалиёт олиб боришлари, келгусидаги фаолиятлари учун тузилаётган уч томонлама шартномалар, касбий йўналишлари юзасидан меҳнат битимлари ҳақида ҳам сўз борди.

Деҳқонобод туманидаги Қизилмозор қишлоғида жойлашган коллеж ўқувчи-ёшлари келгусида тумандаги халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича фаолият олиб боришлари, бу соҳада жойларда эҳтиёж орғиб бораётганлиги таъкидланди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Почта хавфсизлик хизматининг анъанага айланган қолган семинари бу гал Андижон шаҳрида ўтказилди. Икки кун давом этган анжуманда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат алоқа инспекцияси, Тошкент ахборот технологиялари университети, жамият марказий аппарати раҳбарлари, маъсўл хо-

Андижонда анжуман

димлари, шунингдек, филиаллар директорларининг почта хавфсизлиги бўйича ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда Андижон вилояти прокуратураси, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, маънавият ва маърифат соҳасининг таниқли намунадалари ҳам қатнашиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Семинарда почта хавфсизлиги соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ислохотлар жаҳон тажрибасига қиёсан таҳлил қилинди. Соҳага мамлакат ҳукумати томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбариятининг бевосита ғамхўрлиги ҳам семинар иштирокчилари томонидан мамнуният билан қайд этилди.

Анжуманда соҳага доир муаммолар, уларнинг ечимлари борасида кенгашилди, тегишли хулосалар чиқарилиб, Келгусидаги режалар дастури ишлаб чиқилиб, энг муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб олинди.

"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ матбуот хизмати

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Мазкур бошқарма ўзининг кўп йиллик тарихи давомида қандай босқичлардан ўтди, истиқлол муносабати билан қисмда қандай ўзгаришлар юз берди? Бошқарманинг тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан Шерзод КУРАЙШЕВ муҳбиримиз билан суҳбатда ана шулар ҳақида гапирди:



— Бошқармамиз 1960 йилнинг 10 октябрыда Туркистон ҳарбий округи кўмондонини ва мудофаа вазирлигининг директиваларига мувофиқ Алоқа вазирлиги қошида 15361-ҳарбий қисм ташкил этилган. Ушбу ҳарбий қисм Қозоғистон Республикаси Жамбул шаҳридаги 37239-ҳарбий қисм таркибиде шаклланди.

1961 йил январ ойида қисм Тошкент шаҳрининг ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университетига келтирилиб, ушбу олийгоҳ қурилиши билан шугулланган. Кўп вақт ўтмасдан, яъни шу йилнинг ўзида қисм Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Уртаовул хўжалигига кўчирилади, 1962 йилда ҳарбийлар шахарчаси қурилиши якунига етганидан сўнг эса Зангиота тумани, Куёшли кўрғонига кўчирилди ва шу кунга қадар ушбу жойда фаолият юрляпмиз.

Ўз тарихи давомида қисмга касбига садоқатли, етук ҳарбий мутахассислар бошчилик қилдилар. Жумладан, 1992 йилдан 2010 йилгача полковник Дмитрий Голдман бошқарган бўлса, бугунги кунда ҳарбий қисмни полковник Юрий Собиров бошқариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 274-сонли кўрсатмаси бўйича 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб бригада Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси деб номлана бошланди.

Шу ўтган йиллар давомида қисм шахсий таркиби томонидан алоқа қорхоналари қурилиши ишларига катта ҳисса қўшилди. Бошқарма шахсий таркиби Марказий Осиё минтақаси ва бошқа бир қатор собиқ иттифоқ мамлакатларида алоқа объектларини қуриш ва авария-тиклаш ишларини амалга оширди. Жумладан, шахсий таркибининг фидокорона хизматлари натижасида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Душанбе, Ашхобод, Кўрғонтепа ва бошқа шаҳарларда телефон тармоқлари қурилиб, 190 минг км. дан ортиқ кабел канализациялари ўтказилди ва 45 мингдан зиёд кўرғазмали ускуналар ўрнатилди.

Алоқа объектларида юз берган 170дан ортиқ ава-

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XI боб, 52-модда.



рия ҳолатларини бартараф этишда бошқарма шахсий таркиби фаол иштирок этди. Бундан ташқари, бошқарма ҳарбий алоқачилари Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кабел магистралларида юз берган узиллишларни бартараф этишда ва авария-тиклаш ишларидаги фаол иштироки билан ҳам касб маҳоратлари нақадар ошганлигини намойён этдилар.

Истиқлолимизнинг биринчи кунидан бошлаб бошқармамиз ҳарбийлари замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал замонвий курол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни шакллантириш, олдимизга қўйган мақсадларга сўзсиз эришиш, халқимизнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш асосий вазифамиз эканлигини аниқ англаб олганлар ва барча олиб бораётган ишларимизни ана шу мақсадга йўналтирганлар. Истиқлол йиллари мобайнида Махсус авария-тиклаш бошқармаси энг замонвий техника воситалари билан таъминланиб, кўплаб фавқулодда ҳолатларда долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришди. Жумладан, 2005 йилнинг феврал ойида "Қамчиқ" довомида юз берган табиий офат, яъни қор кўчкиси натижасида юз берган фавқулодда ҳолатда хавфнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича тузилган Штаб қутқарувчиларига МАТБ шахсий таркиби ўзининг замонвий алоқа техникаси билан сифатли ва узлуксиз алоқани таъминлаб бера олди.

2004-2005 йилларда Махсус авария-тиклаш бошқармаси "АСТПС" қўшма қорхонаси етук мутахассислари билан ҳамкорликда алоқа воситаларини такомиллаштириш устида ишлади. Ортирилган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда эса замонвий алоқа воситалари билан жиҳозланган "Жайрон" махсус тезкор автомобили яратилди. Ушбу автомобиль УАЗ базасида конструкциядан чиқарилган бўлиб, нафақат авария ҳолати ёки фавқулодда вазият юз берган ҳудудда узлуксиз алоқани узатиш, балки муқобил тартибда ҳам ишлаш қобилиятига эгадир. "Жайрон" — фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудда 5,8 км. радиусда ишлаётган бошқарма телефон тармоғи орқали электрон почта билан, шунингдек, тўғридан-тўғри ноутбук

орқали интернет билан боғлана оладиган махсус автомашинадир. 2005 йилда "Жайрон" дала шароитида тажрибадан ўтказилиб, унинг ҳақиқатан ҳам барча талабларга жавоб бера олиши исботланди.

2005 йилнинг 9-10 декабр кунлари Фуқаро муҳофазаси кучлари билан ҳамкорликда "Қамчиқ" довомида, яъни тоғли ҳудудларда ўтказилган махсус тактик ўқув машғулотларида "Жайрон" авария-қутқарув ишларида қатнашиб, қутқарув ишларини узлуксиз алоқа билан таъминлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизмати идоралари ҳамкорлигида 2006-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасининг турли вилоятларида ўтказилган қўшма ўқув машғулотларида бошқармамиз мутахассисларининг ҳарбий салоҳияти ижобий баҳоланди.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси мутахассислари юқорида кўрсатилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, замонвий, узоқ масофага хизмат кўрсата оладиган алоқа аппаратларини ишлаб чиқишни режалаштириб, ҳозирги кунда ушбу йўналиш бўйича иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, бошқармамизнинг асосий вазифаларидан бири муддатли ҳарбий хизматга келган аскарларда мустаҳкам ҳаётий принциплар, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда уларни жисмоний ва маънавий чиниқтиришдан иборатдир. Ушбу йўналиш бўйича бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматчиларининг билим-салоҳиятини ошириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетидан ўқитувчи тақлиф этилиб, ҳафтасига тўрт соатлик физика ва математика фанларидан ўқув дарслари олиб бориляпти. Бошқармамиз ходимларининг ҳуқуқий билим савиясини ошириш учун эса Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков иштирокида маърифат ва маънавият ҳамда минтақадаги халқроқ воқеалар асосида суҳбатлар ўтказилди.

Бошқармамиз ҳарбийлари зиммаларидаги масъулият юқини юракдан ҳис қилган ҳолда бундан кейин ҳам ўз устларида тинмай ишлайдилар, янги марралар сари интилаверадилар.

Муборак МИРКАМОЛОВА ёзиб олди

Оила — қутлуғ даргоҳ

Жамиятнинг ажралмас қисми бўлган оиланинг Ватан ичра Ватанга менгзаши бежизга эмас. Зеро, оила ўзида ҳамжиҳатлик, тотувлик, бардамлик сингари фазилатларни уйғунлаштирган муқаддас кўрғон саналади. Шу нуқтаи назардан Ватан сарҳадларининг мустаҳкамлиги ва осойишталигини таъминлаш мард, жасур ўғлонлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу йилнинг 16 ноябр куни 51917-ҳарбий қисмда Сирдарё вилоят ахборот-қутубхона маркази билан ҳамкорликда "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни ҳарбий қисм командири Мурод Маматов очди.

Тадбирда Республика маънавият тарғиботи марказининг Сирдарё вилоят бўлими етакчи мутахассиси Алишер Нурбоев, Гулистон шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Юлдуз Абдурахмонова, вилоят фуқаролик суди раиси Холбек Жалолов ва бошқалар сўзга чиқиди.

Тадбир доирасида вилоят АКМ ходимлари томонидан "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзусида китоблар ва ахборотлар кўрғазмаси ташкил этилди. Тадбир сўнгиде савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Шахло АБДУКАРИМОВА,

Сирдарё вилоят АКМ ишлар билан ишлаш бўйича маънавият ва маърифат сектори мудири

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган янги китоби тақдимоти ўқув муассасалари, ташкилотлар ва кутубхоналарда ўтказилиб келинмоқда.

Ҳарбий қисмда тақдимот

2011 йил 17 ноябр куни А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-қутубхона маркази томонидан 34051- ҳамда 53804-ҳарбий қисмларда ҳам "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда АКМ директори ўринбосари Ш.Бақоева китоб билан китобхоналаримизни таништирди. Китоб мазмун-моҳияти ҳақида НДПИ ўқитувчиси, тарих фанлари номзоиди Х.Қурбонов маъруза қилди.

Тақдимотдан сўнг ҳарбий қисмлар аскарлари томонидан китоб ва мустақиллик йиллари ҳақида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Тақдимотда 250 нафар китобхон иштирок этди.

М.ҒОҒУРОВА,

А.Қодирий номидаги АКМ бўлими мудири

Xalqaro
hayot

ПАН ГИ МУН ЧАҚИРУВИ

Таиланд бу йил сўнгги эллик йилдаги энг даҳшатли сув тошқинига дуч келди. Оқибатда қироллик ҳудудининг учдан икки қисми сув остида қолди, мамлакат 76 провинциясидан 63таси фалокатга дучор бўлди, 564 киши қурбон бўлди, 11 миллиондан ортиқ одам зарар кўрди. Тошқин келтирган зарар 10 миллиард доллардан 16 миллиард долларгача баҳоланмоқда.

Шу боис БМТ Бош қотиби дунё етакчиларини зудлик билан иқлим ўзгаришлари муаммоси билан шугулланишга чақирди. "Биз кўп вақт сарфлай олмаймиз, бизда вақтнинг ўзи қолмади", — дея таъкидлаган Пан Ги Мун Таиланд пойтахтидаги қилган нутқида. Унинг айтишича, давлатлар пайсалга солмасдан иқлим ўзгаришлари муаммоси ечими билан шугулланишлари шарт.

Эслатиб ўтамиз, 28 ноябрда Дурбан (ЖАР)да Иқлим ўзгаришлари масалалари бўйича халқаро форум ўз ишини бошлайди.

НЕФТ НАРХИ ОШДИ

Bloomberg агентлигининг хабар беришича, Эронга қарши янги санкциялар ҳақида пайдо бўлган хабарлар ҳамда Мисрдаги беқарорликлар билан боғлиқ хабарлар сабаб дунё нефт бозорларидаги нарх яна кўтарилган. Brent Crude Oil маркали нефт Лондоннинг ICE (InterContinental Exchange Futures) биржаси савдо якунлари бўйича 2,15 долларга ўсиб, бир баррел 109,03 долларга кўтарилган.

КАРАЧИДА ХУНРЕЗЛИК

Покистоннинг Карачи шаҳрида автомобил портлатиб юборилган. Нагизада тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Хабарларда айтилишича, уларнинг уч нафари террорчи ва бири полиция ходими эканлиги тахмин қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, полиция портлаш юз берган шубҳали автомобилни текширишга уринган. Шу пайтда унинг салонига одам ёнидаги икки ҳамроҳи билан машинани портлатиб юборган. Оқибатда икки полициячи ҳам яраланган, улардан бири қурбон бўлган.

ТЎҚНАШУВЛАР ОҚИБАТИ

Мисрда содир бўлган полиция ва намойишчилар ўртасидаги тўқнашув натижасида сўнгги тўрт кун давомида камидан 30 киши қурбон бўлган.

Минглаб намойишчилар Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳарбий кенгаш истеъфосини талаб қилишмоқда.

ВЕНГРИЯ ҲАМ
КЎМАККА МУҲТОЖ

Молиявий қийинчиликларни ҳис қила бошлаган Венгрия ҳам Еврокомиссияга ЕИдан молиявий ёрдам сўраб хат йўллаган. Халқаро валюта фондида ҳам шунга ўхшаш расмий сўровнома билан мурожаат қилган. Еврокомиссия венгер ҳукуматининг мурожаатини ЕИ ва ХВФ аъзолари билан ҳамкорликда кўриб чиқмоқда.

Олдинроқ венгер ОАВлари мамлакат иқтисодий ривожланишни яхшилашга эришиш ва Европада ҳим сураётган сурункали инқироздан ҳимояланиш мақсадида молиявий "хавфсизлик ёстиқчаси"га эга бўлиш учун ЕИ ва ХВФ билан музокара олоб бораётгани ҳақида хабар тарқатганди. Хабарларга кўра, Венгрия 2012 йил бошларида халқаро кредиторлар билан яқин келишувларга умид билдирмоқда.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди. Хусусан, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш зарурлиги белгилаб берилганди.

DEPUTAT MINBARI

Телекоммуникация қонунчилигини
такомиллаштириш — давр талаби

Дарҳақиқат, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни янада мустаҳкамлаш, тегишли қонунчилик асосини такомиллаштириш, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлаш, уларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда телекоммуникациялар тармоғи изчил раванқ топиб бораётир. Хусусан, кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилгани, айтиб чоғда маҳаллий телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180та мамлакатига 28та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга эканлиги, телерадиоканалларимиз томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет глобал тармоғи орқали реал вақт тартибда жаҳонга узатилаётгани, шунингдек, мобил алоқа хизматлари юқори даражада юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бир қаторда, телекоммуникация ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб, тармоқда янгидан-янги хизмат турлари пайдо бўлди, шу жумладан, давлат бошқаруви эҳтиёжларини таъминлаш учун хизмат кўрсатишнинг янги моделлари юзага келди. Бу телекоммуникация хизматларини кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тубдан такомиллашишига олиб келди. Буларнинг барчаси телекоммуникация соҳасидаги субъектлар манфаатларини муҳофаза қилиш, бу борадаги қонунчиликини янада такомиллаштиришни тақозо этаётгани.

Шу боис "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик томонидан апрофилаха муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишга

Қонунда фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг ҳуқуқий механизми белгиланиб, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқариш алоқа хизматлари, маълумотларни ўтказиш ва тақсимлашнинг замонавий бозорини такомиллаштириш кўзда тутилган.

алоҳида урғу берилди.

Дарҳақиқат, бугун телекоммуникация хизматлари соҳасини ривожлантириш учун унга бозор механизмларини изчил жорий қилиш давр талабидир. Бу эса, табиийки, соҳада рақобатнинг кучайишига, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш имкониятларининг кенгайишига, пировардида фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Қонунда фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг ҳуқуқий механизми белгиланиб, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқариш алоқа хизматлари, маълумотларни ўтказиш ва тақсимлашнинг замонавий бозорини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Қонуннинг энг муҳим тамойиллари ва унга киритилган меъёр ҳамда қоидаларнинг амалга оширилиши телекоммуникация соҳасини технологик жиҳатдан ривожланишининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қўлланилаётган тушунчаларга аниқлик киритишга хизмат қилади. Ахборотларни ҳужжатлаштириш тартибини уйғунлаштириш,

ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ахборот тизимини ташкил қилиш ҳисобига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фойдаланишга бўлган, шунингдек, қурилатган телекоммуникация тармоқлари ҳолатини сифат жиҳатдан яхшилашга шароит яратили.

Мазкур чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил таъбиқ этилиши сиёсий модернизация жараёнларида тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимига кенг фойдаланишга, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар телекоммуникациялар соҳасида давлатли органнинг ваколатларини янада аниқлаштиришга ҳамда масъулиятини кучайтиришга ҳам қаратилган. Чунончи, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, интерактив хизматлар кўрсатиш мақсадида умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларининг самарали ишлаши ҳамда ривожлантирилиши учун шарт-шароитлар яратиши кўзда тутилмоқда.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларига интернет тобора чуқур кириб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилга айланмоқда. Шу сабабли Қонун телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси, шунингдек, интернет тармоғи миллий сегментининг домен номларини тартибга солиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳамроҳи ШОДИЕВА
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 14-модда.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини бажаришда почта алоқаси тармоғининг ҳам муносиби ҳиссаси бор. Шу боисдан ҳам "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали ва почта алоқаси тармоқларининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари, почта хизмати кўрсатишнинг сифати ва бугунги кундаги аҳоли, почта алмашувининг белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида кўрсатилаётган хизматлар бўйича вилоят аҳолиси ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида, оммавий ахборот воситалари орқали реклама ишлари амалга оширилди. Хизматларни реклама қилиш орқали пул жўнатмаларини қабул қилиш хизматини ўтган йилга нисбатан 2011 йил 9 ой давомида 148,8 фоизга, жўнатмаларни 198,3 фоизга ва даврий нашрларни етказиш-

жозларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида муомала маданиятини янада ошириш мақсадида семинарлар ташкил этилмоқда. Рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари ўтиши назоратини таъминлашда жойларда "Ребик" дастурини қўллаш йўлга қўйилди. Маълумки, кадрлар салоҳияти ютуқлар гарови. Филиалда юқори ма-лакали кадрларни танлаш, уларни

Аниқ мақсад ва ислохотлар самараси

зоори, рақобатчиларнинг тариф сиёсати ва реклама, маркетинг хизмати бўйича олиб бораётган ишлари ўрганиб чиқилиб, шаҳар ва туман аҳолиси ўртасида қулай шароитларда ноанъанавий хизмат турлари кўрсатилиши бўйича сўровномалар ўтказилди. Шу натижалар ҳулосасидан келиб чиқиб, Навоий шаҳар почта алоқаси тармоқларида биттадан интернет-клуб ташкил этилди, ушбу хизмат туридан 2011 йил 9 ойликда 1981140 сўм даромад олинди. Филиал барча шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларининг умумий бўлимларида ҳамда Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғининг барча алоқа бўлимларида электрон пул жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш хизмати ташкил этилган.

2011 йил 9 ойликда 4725 кишига хизмат кўрсатилиб, мазкур йўналиш бўйича 35120,9 минг сўм даромад олинди.

Бундан ташқари, филиалда вилоят хўжалик суди ва "Ўздунробита" корхонаси билан курамлиқ хизматини кўрсатиш бўйича шартномалар имзоланди. Уларга кўрсатилган хизматлардан 24844,2 минг сўм миқдорда даромад олинди.

дан олинган даромадларни 209,6 фоизга ошириб бажаришга эришилди.

Янги хизмат турларини жорий қилиш бўйича почта корхонасининг моддий ишлаб чиқариш имкониятлари баҳоланиб, маркетинг тадқиқотлари натижасида Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғининг барча алоқа бўлимларида электрон пул жўнатмаларини қабул қилиш хизматини ташкил қилиш бўйича ишлар олиб борилди.

Асосий ва ноанъанавий почта хизмат турларини ўзлаштириш, кенгайтириш ва жорий қилиш мақсадида, мижозларга хизмат турлари учун кенг йўл очилди, талаб ва таклиф қонунчилигига асосланган ҳолда тарифлар ҳамда хизмат турлари бўйича реклама плакатлари ташкил қилинди. Алоқа бўлимларида иш вақтини мижозларга қулай пайтларга тўғрилаш мақсадида умумий бўлимларда навбатчи операторлар иш олиб бормоқда, мижозларга хизмат кўрсатадиган жойларда барча қулайликлар яратилган бўлиб, уларга доимий эътиборда бўлинмоқда. Филиалда ми-

жозларга хизмат кўрсатувчи ходимлар билан ишлаш, бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотлари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласида мутахассислар томонидан ўқув-семинарлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Жумладан, 2011 йил 9 ойи давомида 112 нафар ходим турли малака ошириш курсларида, семинарларда, ўқув машғулотларида қатнашдилар.

Кадрлар захирасини ёш мутахассислар билан таъминлаш борасидаги амалий ишлар ҳам қувонарли. Биргина 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатган 8 нафар, турли касб-хунар коллежларини тамомлаган 18 нафар ёш мутахассислар ишга қабул қилинганлиги ёшларга алоҳида эътибор намунаси, албатта.

Зеро, мақсадлари аниқ, изланувчан ва билимдон мутахассислар билан сифини мустаҳкамлаётган жамоада самарали меҳнат ва ютуқларга кафолат бўлиши табиий.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Xabar"ning Навоий
вилоятидаги мухбири

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI QABUL QILINGANLIGINING 19 YILLIGI OLDIDAN

ҚОМУСИМИЗ - БАХТИМИЗ

Яна бир неча кундан кейин юртимиз аҳолиси улуг байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни катта тантана билан нишонлайди.

1992 йил 8 декабр куни Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Конституция мустақил давлатимиз тарихидаги буюк воқеа бўлди. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан бири сифатида ўзини яққол намояндалар этди. Зеро, Конституциямиз энг ривожланган, тараққий этган демократик давлатларнинг юридик тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган.

Конституциямиз БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қондаларига асосланган бўлиб, уни яратишда АКШ, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания, Ҳиндистон, Покстон, Миср давлатларининг конституциявий тажрибасидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддалан иборат бўлиб, у умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуг ғояларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари

ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", дейилган. Бу фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланганлиги ва кафолатланганлиги белгисидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қондаларини ўзига сингдирганлиги билан аҳамиятли. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида тўла иштирок этиш имконини беради.

Шу билан биргаликда, фуқаро маълум бурчларни бажаришга ҳам мажбурдир. Ўзбекистон давлати фуқароларнинг манфаат ва эркинликларини республика ҳулуфидида ва унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, irqи, миллати ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, III боб, 15-модда.

ҳуқуққа эгадирлар. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Конституцияда ҳуқуқларлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса республикамизда шаклланган урф-одат-

лар ҳамда халқимизнинг теран маънавий анъаналарига батамом мос келади.

Давлат сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаёта иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам белгиланган.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиб, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу Конституциявий қонда бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яраттиш вазифасини қўяди.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналари, улумлари, тили, дини ва руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилади.

Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу умидлари ўз ифодасини тошган. У юртимиз фуқароларини мамлакатни гуллаб-яшнатишдек улуг мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга ёрдам беради.

Дилшод УСМОНОВ,
ҳуқуқшунос

СОСТОЯЛАСЬ ВСТРЕЧА

С ЗАМЕСТИТЕЛЕМ ГЕНЕРАЛЬНОГО СЕКРЕТАРЯ МЕЖДУНАРОДНОГО СОЮЗА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ

23 ноября 2011 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча с заместителем генерального секретаря Международного союза телекоммуникаций (ITU) г-ном Хоулин Чжао.



На встрече гость был ознакомлен с проводимыми в республике ширококомасштабными работами по развитию современных телекоммуникационных и информационных технологий. Г-ном Чжао дана высокая оценка достижениям Узбекистана в данной отрасли, в особенности цифровизации те-

лекоммуникационных сетей, развитию мобильной связи, внедрению цифрового телевидения.

Уделено особое внимание сотрудничеству в области подготовки кадров в сфере телекоммуникаций и информационных технологий. Стороны с удовлетворением отметили достигнутую договоренность о вступлении с 2012 года Ташкентского университета информационных технологий в члены Сектора развития телекоммуникаций Международного союза телекоммуникаций.

Стороны обменялись мнениями по проекту "Устойчивое снабжение электроэнергией объектов телекоммуникаций в сельских и отдаленных районах", который в настоящее время реализуется в Узбекистане с привлечением технического содействия ИТУ в результате одобрения инициативы Узбекистана на Всемирной конференции по развитию телекоммуникаций 2010 года. На основе реализации данного проекта будут выработаны рекомендации по использованию систем альтернативных источников энергии в государствах-членах ИТУ.

Отмечено активное участие администрации связи Узбекистана в проведении мероприятий ИТУ. Так, в апреле 2012 года в Узбекистане планируется провести Региональное подготовительное собрание к Всемирной ассамблее по стандартизации телекоммуникаций 2012 года и Региональное подготовительное собрание к Всемирной конференции по международной телекоммуникации 2012 года.

После встречи Х.Чжао посетил Музей истории связи, где он с большим интересом ознакомился с историей связи Узбекистана, начиная прошлых времен до наших дней. Г-н Чжао отметил, что музей обладает богатой базой технического оборудования, которое до сих пор работает и в отличном состоянии.

Международный союз телекоммуникаций создан



в 1865 году и является ведущим учреждением ООН в области информационно-коммуникационных технологий. Республика Узбекистан является полноправным членом Международного союза телекоммуникаций с 10 июля 1992 года.

aci.uz

НАК ВНЕДРЯЕТ НОВЫЕ МОБИЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

для развлечения пассажиров на борту

Национальная авиакомпания «Узбекистон хаво йуллари» с 1 ноября 2011 года предлагает своим пассажирам первого и бизнес классов новую услугу. Каждый, кто приобретает авиабилет высокого класса обслуживания (первый и бизнес), может бесплатно воспользоваться планшетом iPad.

Устройство, которое выдается на борту самолета во время полета, содержит аудио- и видео контент, большой спектр игр, а также электронные версии гляцевых журналов. Кроме того, здесь представлена информация об авиакомпании и необходимые сведения о стране. Большой раздел посвящен туристическому потенциалу Узбекистана, его историческим памятникам. Здесь же можно воспользоваться и разнообразной справочной информацией.

Первыми пользователями стали пассажиры первого и бизнес классов рейсов НАК по маршрутам Ташкент-Куала-Лумпур-Ташкент, Ташкент-Франкфурт-Ташкент и Ташкент-Санкт-Петербург-Ташкент.

А с 1 декабря 2011 года данная услуга будет доступна еще на 7 направлениях из Ташкента в Стамбул, Пекин, Бангкок, Шарджу, Дубай, Москву, Киев и в обратных направлениях.

uzairways.com

КОРОТКО...

● "Тамагочи" исполнилось 15 лет. Когда-то это была игра для портативной консоли Game Boy от Nintendo, затем был налажен выпуск недорогих отдельных модулей, которые сами по себе являлись самодостаточной игрой. Именно такое решение стало особо популярным, и со временем электронная игрушка практически заменила живое существо.

● Microsoft приспособит игровой контроллер Kinect для работы с ПК. Корпорация объявила, что видит в своем контроллере для игровых приставок Xbox, реагирующем на движения и голос пользователя, большой потенциал и планирует выпустить ПО, позволяющее работать с Kinect на ПК в таких сферах, как медицина, робототехника, телематика и др.

● В этом году Россия стала абсолютным лидером по количеству инцидентов в области информационной безопасности с использованием трояна Carberp, поражающего систему дистанционного банковского обслуживания. Последняя версия этого зловредного ПО умеет красть финансовые средства даже с тех компьютеров корпоративной сети, где нет прав администратора.

● Пользователи обнаружили первую серьезную проблему с Samsung Galaxy Nexus.

Европейские покупатели единственного на сегодняшний день смартфона на базе новейшей мобильной платформы Google Android 4.0 жалуются, что аппарат может самопроизвольно выключать звук, в ряде случаев не давая возможности вернуть ее на прежний уровень. Кроме того, многих пользователей огорчило отсутствие плагина Flash Player в Android 4.0.

● Немецкая студия дизайн Orkin Design представила концепт компьютера, который сворачивается в рулон. Над разработкой, как сообщает Eurotag, работала целая команда, в которую вошли специалисты по IT, дизайнеры и бизнесмены.

Концептуальный Rolltop скручивается в цилиндр длиной 28 сантиметров и диаметром 8,3 см, диагональ его экрана пока составляет 17

дюймов. На основе концепта специалисты уже приступили к разработке сворачиваемого ноутбука для практического использования.

● Вот уже несколько недель в Голливуд циркулируют слухи о том, что здесь планируется съемка фильма об умершем главе Apple Стиве Джобсе, причем базироваться фильм будет на материалах книги журналиста Уолтера Айзексона Steve Jobs, вышедшей вскоре после смерти Джобса. Также ранее появились данные о том, что на роль Стива Джобса, якобы, пробовался Джорд Клуни.

Местная пресса сообщает, что автором сценария для фильма может быть Аарон Соркин, ранее снимавший фильм The Social Network об истории создания социальной сети Facebook и ее главе Марке Цукерберга. Отметим, что данное решение было в Голливуде воспринято неоднозначно, что так как Соркин известен своим пристрастием отклоняться от реальных событий. В частности, после показа The Social Network Цукерберг заявил, что фильм Соркина не соответствует действительным событиям и рассматривать его как экранизацию реальной истории Facebook нельзя.

● Согласно данным агентства Reuters, корпорация Microsoft подписала с Yahoo конфиденциальное соглашение, позволяющее софтверному гиганту ближе ознакомиться со внутренними делами Yahoo. Ранее в отрасли появились сведения, согласно которым Microsoft присоединилась к нескольким частным инвестициям, рассматривающим возможность покупки Yahoo. Сейчас появились данные о том, что Microsoft проводит оценку бухгалтерских данных Yahoo, так называемый due diligence.

В октябре несколько американских биржевых аналитиков подсчитали, что объем доступной Microsoft наличности составляет 57 млрд. долларов и она могла бы приобрести Yahoo и без помощи инвестфондов. Напомним, что в 2008 году Microsoft уже предлагала купить Yahoo за 47,5 млрд. долларов, но Yahoo отвергла это предложение. После этой неудачной попытки акции Yahoo начали падение и в итоге сейчас капитализация Yahoo снизилась в 2,5 раза.

ОҶАБОТ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 Ассалом, Узбекистон!
7.00 "Иқлим".
7.05 "Олам ва одам" дастури: "Об-ҳаво мўҳитлари".
7.20 "Кўнгли қушиқ истайди".
7.25 "Сўнги қиролчи". Т/с.
8.00 Тақдирнома.
8.45 - 9.45 "Мамнавият" дастури.
9.45 "Икки дўст". М/с.
10.05 ТелеТест: "Қор одам воқеаси".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абборот".
11.15 "Изувар хоним". Т/с.
12.00 "Ассалом, Узбекистон!".
12.50 "Кўнгли қушиқ истайди".
12.55 "Иқлим".
13.00 "Вақтлардавр".
"Бошлар саёраси".
Стресс, депрессия ва руҳий эўриқишлар

Компьютерда узоқ ишлаш нафақат соғлиққа зиён, шунингдек, турли асаб-бузарликларга ҳам сабаб бўлади. Компьютернинг "осилиб" қолиши натижасида ишланаётган ҳужжатларнинг сақлиб қолмаслиги, интернетга уланиш тезлигининг пастлиги, электрон почта жўнатиш-олишнинг ҳар доим ҳам раво амалга ошмаслиги каби ҳолатлар ҳар бир компьютер фойдаланувчиси учун бегона эмас, албатта.

Тадқиқотларда компьютерга боғлиқ ана шундай машамалар спиртли ичимликларга ружу қўйишга олиб келиши аниқланган.




Интернет технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгартириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса веб-сайтлар билан алмашишида намоён бўлди.

риқларнинг бажарилишини назорат қилиш имконияти мавжуд. Шу билан бир қаторда, тизим орқали видеоконференцияларни ташкил қилиш


дан курслар яратилган.

Шунингдек, физика фанини умуман яхши билмайдиган ўқувчилар учун "Физика для чайников" ва "Фи-


Таълимда янги технологиялар



• eStudy.uz тизимида ўқув жараёни



• <http://my.estudy.uz> тизимининг умумий кўриниши



• Видеомаъруза

Энди эса таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келяпти.

Масофавий таълим — ахборот-таълим муҳити фойдаланувчилари таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро алоқалар протоколлари, аппарат дастурлари ва ташкилий-методик таъминотлар тизими-ташқилий тўпламидан иборат.

Масофавий таълим — ўқувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни, ўқитиш жараёнида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўргатилаётган материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билим ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Масофавий таълим жараёнини таълим тизимини бошқарувчи дастурий (LMS — Learning Management System) тизимларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мумкин.

Ҳозирда Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Физика" кафедраси қошидаги Мултимедиа марказида профессор Қ.Абдурахмонов, катта ўқитувчи В.Ҳамидов ва доцент О.Тигайлар томонидан физика фанини масофавий ўқитиш жараёни ташкиллаштирилган. Масофавий таълим тизими <http://estudy.uz> ва <http://my.estudy.uz>да жойлашган бўлиб, тизимдан ҳозиргача 1000дан ортқ талаба ва мактаб ўқувчилари фойдаланиб келишмоқда. <http://estudy.uz> тизими устида В.Ҳамидов номзодлик диссертация ишларини бажармоқда ва 2010 йилда патент ҳам олинган.

Тизимда таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўқув курсини яратиш, матнларни, расмларни, флэш-роликларни осонгина жойлаштириш имконияти мавжуд.

eStudy.uz тизимида таълим олиш ва бошқаришда қўшимча махсус дастурий воситалар керак эмас, балки интернет браузерларнинг (Mozilla, Opera, IE ёки Google Chrome) ўзи kifoya қилади.

eStudy.uz тизимида контентни бошқариш, ўқув машғулотларини яратиш, таҳрирлаш учун инструментал воситалар мавжуд. Тизимнинг таркибий алмашинуви SCORM (Sharable Content Object Reference Model) стандартига мос келади. Бу эса ўқув курсларидан берилган форматда қайта фойдаланиш имконини беради. eStudy.uz тизимида матнларни яратишда WYSIWYG редактори TinyMCEдан фойдаланилади. Матнларни турли форматлар (txt, PDF, html, doc.)да интернет саҳифаларига жойлаштириш мумкин.

eStudy.uz тизими модулли тизим асосида яратилган. Бу тизимда берилган топшириқларни назорат қилишда махсус машқлар ва тестлардан фойдаланилади. Ўқитувчида топши-

мумкин.

eStudy.uz тизимида бир неча хилдаги фойдаланувчилар мавжуд:

1. Аноним — рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчи.

2. Меҳмон — рўйхатдан ўтган, лекин курсга ёзилмаган фойдаланувчи.

3. Фойдаланувчи — рўйхатдан ўтган, курсга ёзилган фойдаланувчи.

4. Бошқарувчи — курс администратори, курс ўқитувчиси.

eStudy.uz тизимида масофавий таълим жараёнини ташкил қилишда веб-сервер, PHP, MySQLларни LAMP ёки WAMP муҳитлари таъминлайди.

eStudy.uz тизими барча амалиёт тизимларига тўғри келади.

Ўқув курслари сифатида техника йўналишидаги бакалаврлар учун физика курси ўзбек ва рус тилларида, шунингдек, академик лицей, коллеж талабалари ва абитуриентлар учун ҳам физикадан ва математика-

зика в комиксах" курслари ҳам яратилган.

Тизимда мавжуд дарсларнинг ҳар бири флэш-роликлар ва видеомаърузалар билан бойитилган ва энг муҳими, тизимда келтирилган мултимедиа ресурсларнинг барчаси Tas-ixда жойлаштирилган. Видеомаърузаларни TATUнинг "Физика" кафедраси ва чет элдаги профессор ва ўқитувчилари ўқитган.

TATUнинг "Физика" кафедраси қошидаги Мултимедиа марказида кизикарли бошқа лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда, хусусан, Mobile Learning, яъни қўл телефонлари учун физика фанидан мултимедиа маърузалар яратилмоқда ва мобил телефонлар орқали таълим олиш истиқболлари бўйича янги илмий изланишлар олиб бориляпти. Бу хусусда кейинги мақолаларда алоҳида тўхталамиз.

Ситорабону УСМОНОВА,
TATU 2-босқич талабаси

"Уяли"...нг, ўғлонлар!

Қарийб қирқ йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб келяпман. Бу даврда не не ўзгаришлар юз бермади, дейсиз?! Гоҳида, кўп йиллик ҳамкасб дўстим Норқўчқор Омонов билан ортда қолган кунлар ҳақида суҳбатлашиб қоламиз. Қишлоқларни телефонлаштириш ва радиолаштириш мақсадида қишқировли кунларда ҳам тиним билмаганимизни эслар эканмиз, бугунги тараққиётга шукроналар билдиримиз.

Дарҳақиқат, эркинликнинг даргоҳи кенглигини, овоз ва хур Ватанда эзунят қилинса, унга эришиш мумкинлигини қўриб-сезиб турибмиз. Айниқса, амалдаги асримизнинг ахборот технологиялари асри деб баралла айтилаётгани кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Нега десангиз, шу номга яраша қилинадиган меҳнатнинг асосий юки биз алоқачилар зиммасида турибди. Сир эмас, ўтган йигирма йил мобайнида қўзланган мақсадга мувофиқ ишлади. Натижада замонавий электрон рақамли телефон хизмати вилоятимиз худудининг қарийб 80 фоизини қамраб олди. Ҳозир ҳам жараён узлук-



сиз давом эттирилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан юз берган янгилик сабаб вазифам ўзгарди. Эндиликда Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманлари оралиқ масофаларига тортилган оптик толали кабел линияси назоратчиси сифатида хизмат қиляпман.

Кимнинг оиласида хотиржамлик қарор топган бўлса, билингки, ўша хонадонда барака бор. Буни мен ўз тажрибамдан келиб айтаяпман. Тўрт нафар фарзандим вояга етган оилат тўқ-фаровон, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Олтинсой туманидаги Алибой Бўтаев номидаги маҳалламизда бундай хонадонлар оз эмас. Бир-биримиздан ўраниб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳавас қилиб яшайпмиз. Маҳалла болаларининг бўш вақти ҳар доим мазмунли ўтмоқда.


Улар турли тўғарак ва спорт машғулотларига боришяпти. Шахсий томорқа ҳўжалиги ишларида ёнма-ён туриб ишляяпти.

...Яқинда неварам Жамшиджонни Термиз ҳайвонот боғида сайр қилдириб келиш учун йўлга чиқдим. "Истана" русумли машинада олдинги ўриндикда бораётган йигитнинг хурмача ҳаракатлари диққатимни тортди. У аввалга бошини сараксарак қилди. Сўнгра бармоқларини қирсиллатиб "рақс"га туша бошлади. Билсам, уяли телефонига ёзилган қўшиқдан эшитиш воситасини қўлоғига тикқанча ўзича "айраб" келаяётган экан. Энг ёмони, унинг одобсизлигидан кўпчилик йўловчилар ранжишди.

Этиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган иккинчи ҳаётин мисол ҳам баъзи ёшлар туриш-турмушида бефарқ яшаётганидан огоҳ этса, ажабмас. Деҳқон бозори ёнида тўпланган ўғлонларнинг уяли телефон экранидagi ҳолатлардан "хўзур" қилаётгани мени ўйлантириб қўйди. Уюрдан чиққан боладан уларнинг беномусликка ундовчи филмини кўришяётганини билгач, ташвишим янада ортди.

Шу маънода "Хабар" газетасининг 2011 йил 11 ноябр сонида эълон қилинган "Мобил телефон. Сузлашув оқибин" мақоласи ўз вақтида берилган мулоҳаза учун мавзу деб биламан. Муаллиф Акмал Жўмамурадлов юртимиз келажаги учун астойдил қайғуриб, ўйлаб ёзган. Яратганининг ўзи ёқимсиз SMSларни уза-таётганларга ва бу "уйин" тўрига тушиб қолганларга, энг муҳими, уяли телефон қўлланган ўғлонларни инсоф берсин. Ана шунда комил инсон тарбияси борасида олиб бораётган ишларимиз янада мазмунли бўлади.

Омонтурди АМИРОВ,
"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг туманлараро оптик толали кабел назоратчиси



— Хурматли тахририят ходимлари. "Xabar"ни доим ўқиб борамиз. Унинг саҳифаларида мамлакатимиз иқтисодиётини мустақамлашда астойдил хизмат қилаётган темирйўл транспорти ходимлари фаолияти тўғрисида мақолалар берилишини истардик.

Бозорбой ЖУМАОЕВ,
Комилжон ИСМОИЛОВ
Сирдарё вилояти



Юксак марралар ҳали олдинда

Субҳи тонг ёриша бошлаши билан Фарҳод ака ишга тараддуд кўради. Барвақт туриш унга болалиқдан одат бўлиб, бу одат ҳозиргача уни тарк этгани йўқ. Ҳар куни эрта туриб, ишга тайёргарлик кўради.



— Оила аъзоларим ҳам бунга кўникиб кетган, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКка қарашли Тошкент товар-вагон депоси раҳбари Фарҳод Мирханов. — Мана, темир йўл соҳасида ишлаётганимга ҳам қарийб 16 йил бўлибди. Ҳаётимнинг мазмунига айланган бу касбни танлаганимдан асло афсусланмайман. Темир йўлчилик — ота касб. Падали бузрукворим Миржамол ака ҳам темир йўлчи эди. Халқимизда мева дарактидан узоққа тушмайди, деган нақл бор. Шу маънода меннинг ушбу касбни танлашимда отамнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган, деб бемалол айта оламан.

томонидан қаратилаётган эътибор ҳам шунга монанд юксак бўлиб, бу ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Жамиятда темир йўлчининг обрўи, мавқеи ошиб борапти. Бу ҳам бўлса соҳа ходимларининг моддий, маънавий манфаатдорлигини ошириш йўлида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ўз маъсулини бераётганига бир мисолдир.

Фарҳод Мирханов юқорида ўзи таъкидлаганидек, темир йўлчилик унга ота касб. Кўп йиллар давомида шу соҳада ишлаб, ҳалол меҳнати билан рўзгорини

сислар етарли тажрибага эга бўлгани боис, уларнинг хизматлари "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти томонидан мунтазам эътироф этилиб келинмоқда. Хусусан, Н.Абдувалиев, И.Абдуллаев, Б.Деҳқонбоев, Ш.Жўраев, Б.Асқаров сингари фидойи ходимлар "Касб аълочили" унвони билан тақдирланган. Бундан ташқари, темир йўлчилар байрами муносабати билан кўплаб ходимлар фахрий ёриқ ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган.

— Жамоамизда "устоз-шоғирд" аниқлиги яхши йўлга қўйилган, — дейди Фарҳод Мирханов. — Институтни ёки коллежни битириб ишга келган ёшларни малакали мутахассисларга бириктириб, уларга қўлдан келганча соҳанинг сир-асрорлари ўргатилади. Ходимларимизнинг ишлаш шароитини ва малакасини ошириш мақсадида келажакда вагон қурувчиларни тайёрлаш бўйича ўқув марказини ташкил этишни, шунингдек, 100 ўринли барча қулайликларга эга замонавий ошхонани фойдаланишига топширишни режалаштириб турибмиз. Яна бир янгилик: яқин кунларда вагон тайёрлов цехини ишга туширмоқчимиз. Ушбу цех фаолият бошлаши билан яна 50 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

— Депомизда ишчи-ходимлар учун барча шароит яратилган, — дейди Тошкент товар-вагон депоси бош бухгалтери Тўлқин Назаров. — Шунингдек, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам доимо эътибор қаратиб келямиз. Ишчи-ходимларга ўз вақтида қаратилаётган эътибор ва энг сўнгги русумдаги технологиялар мавжудлиги иш фаолиятимизнинг сермахсул бўлишини таъминламоқда.

Фарҳод ака билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У киши шу озод ва обод юртининг фарзанди, касби эъзоланган темир йўлчи сифатида мамлакатимизда барча соҳаларда, шу жумладан, темир йўл тизимида эришилаётган муваффақиятлардан қувониб, тўлқинланиб сўзлади.

— Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда юрвчи электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилиши бу соҳада амалга оширилган улкан ишларимизга яна бир яққол мисол бўлди, — дейди у фахрланиб. — Айтиш жоизки, ушбу қатнов мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи воқеа бўлиб, юртимизда темир йўл тизимини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш йўлида янги босқич — янги давр бошланганидан дарак беради. Демак, келажакда бундан-да юксак муваффақиятларга эришамиз. Бунинг учун эса етарли асосларимиз бор.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: Ўзбекистон келажиги — буюк давлат. Буюк давлатнинг тараққиёт йўли эса бардавом, мангу.

Ойгул САЪДУЛЛА қизи

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладик, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида назомнинг 49-бандига асосан

"ARSENALSTROY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003461 рақамли; "AVIAMAXSUMONTA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003131 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 18 ноябрдан;

"MUXSINA ALOQA SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ қўйиладиган;

— ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002906 рақамли;

— маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002907 рақамли;

— шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002909 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 21 ноябрдан тугатилди.


Ўтавларнинг охирига обод бўлсин.

Қашқадарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" ШК жамоаси Шаҳрисабз тумани "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ директори Толиб Бўриевга отаси, алоқа соҳаси фахрийси

Парда БҮРИЕВНИНГ вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси филиал ходими Раҳимжон Эсоновга волидаи муҳтарамаси

Улфатхон ая ЭСОНОВНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизимда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари натижасида минглаб километр янги темир йўл линиялари барпо этилиб, йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда.

— Мустақиллик шарофати билан халқро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилди, — дейди Фарҳод ака. — Юртимиздаги жадал тараққиётга ҳамоҳанг равишда юрдошларимизнинг маънавий-маданий ҳаётида, уларнинг турли хизматларга, жумладан, транспорт хизматида бўлган муносабати, талабида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу биз соҳа ходимларига катта масъулият юклайди. Айтиш жоизки, давлатимиз

тебратган отанинг касби Фарҳод акада ҳам шу соҳага ҳавас ва меҳр уйғолди. Темир йўлчи бўлиш орзуси уни ушбу тизимга етаклади.

— 1996 йилда фаолиятини бошлаганимда ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилганман, — деб эслайди Фарҳод ака. — Чунки болалик орузим ушалган эди. 2005 йилда Тошкент товар-вагон депосида вагон назоратчиси сифатида иш бошлаган бўлсам, ҳозирга кунга қадар раҳбарликка бўлган йўлни босиб ўтдим. Қарийб етти йилдан буён шу даргоҳдаман.

Ушбу депода техник хизмат кўрсатиш юқори даражада бўлиб, юк вагонлари юксак талаблар асосида таъмирланади. Делонинг Тошкент минтақавий темир йўл узели бўйича Пта техник хизмат кўрсатиш шахобчаси мавжуд бўлиб, суткасига 8000та вагонни техник кўриқдан ўтказиш имкони бор. Жорий йилнинг режасига асосан шу кунга қадар 760та вагон қайта таъмирдан чиқарилди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахас-

Куала-Лумпур: Ўзбек футболлари тантанаси

23 ноябр куни Малайзия пойтахти — Куала-Лумпур шаҳрида Осиё китъаси футболлари йил якунларига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Йилнинг "Энг яхшилар"и номинацияси учун кўплаб вакилларимизнинг ҳам номзодлари кўрсатилган ва кутилганидек, улар бир қатор йўналишларда Осиёда тенгсиз деб топилди.

Сервер ЖЕПАРОВ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров ФИФА президенти Зепп Блаттердан 2011 йилги Осиёнинг энг яхши футболчиси учун аталган совринни қабул қилиб олди. Жепаров 2008 йилда ҳам мажмур номинация ғолиби бўлган.

Равшан ЭРМАТОВ

Нафақат юртимизда, шунингдек, жаҳон футболда ҳам ўз ўрни, номига эга Равшан Эрматов кетма-кет тўртинчи марта (2008, 2009, 2010, 2011 йиллар) Осиёнинг энг яхши ҳақами деб топилди. Бу бежизга эмас, албатта. Ушбу мавсумда Осиёнинг энг нуфузли ўйинларини бошқариш айнан ўзбекистонлик ҳакамлар бригадасига ишониб топширилди. Чунинчи, 34 ёшли Равшан Эрматов Осиё кубоги-2011нинг Австралия ва Япония терма жамоалари ўртасидаги финал ўйинини, "Чонбук Моторс" ва "Ас-Садд" ўртасидаги ОЧЛ-2011 финалини бошқарганини футбол мухлислари яхши эслашади.

Шунингдек, ўзбек "трио"си ЖЧ-2014 ва Лондон-2012 саралаш баҳсларини бошқариб борди. Декабр ойида эса Равшан Эрматов клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этди.

Абдухамидулло РАСУЛОВ

Яна бир юрдошимиз — Абдухамидулло Расулов Осиёнинг 2011 йилдаги энг яхши қанот ҳақами деб топилгани мамлакатимизда ҳакамлар мактаби ривожланиб бораётганига бир мисолдир.

У икки нафар япониялик ҳамкасби — Наги Тошиюки ва Тогу Сагарани орта қолдиришга муваффақ бўлди.

А.Расулов юқорида номлари тилган олинган масъулиятли беллашувларда Равшан Эрматовга яқиндан ёрдам бериб борди.



"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

I. Шофиркон тумани 19-мактаб интернати билан ҳамкорликда 2011 йил 13 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига 19-сон мактаб интернати ҳисобидagi 2008 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз ЛАДА 21074-110-30 русумли давлат рақами 20 АН 923 бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 1 500 000 (Бир миллион беш юз минг) сўм.

II. Пешку тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда 2011 йил 13 декабр куни соат 12-00 да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига бошқарма ҳисобидagi 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз УАЗ-469Б русумли давлат рақами 20 АЕ 643 бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 350 000 (Уч юз эллик минг) сўм.

III. "Бухороозиковақтатъминот" ДХО билан ҳамкорликда 2011 йил 13 декабр куни соат 14-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз УАЗ-31602011 русумли давлат рақами 20 АЕ 363 бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 1 100 000 (Бир миллион бир юз минг) сўм.

IV. Жондор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 2011 йил 20 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi 1998 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз ТИКО русумли давлат рақами 20 АФ 724 бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 1 100 000 (Бир миллион бир юз минг) сўм.

V. Шофиркон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 2011 йил 20 декабр куни соат 14-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз ТИКО русумли давлат рақами 80/128КАА бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 1 300 000 (Бир миллион уч юз минг) сўм.

VI. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси билан ҳамкорликда 2011 йил 13 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi автотранспорт воситалари такроран кўйилади. Булар:

- 1994 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГБА СНГ ВА3 21213 русумли давлат рақами 80/178 НАА бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 3 162 132 (Уч миллион бир юз олтинчи икки минг бир юз ўттиз икки) сўм.

- 1994 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ТАВЗ-3270 русумли давлат рақами 80/946 FAA автобуси

Бошланғич баҳоси 11 686 944 (Ўн бир миллион олти юз саксон олти минг тўққиз юз қирқ тўрт) сўм.

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, Миндибус М29 русумли давлат рақами 80/379 НАА автобуси

Бошланғич баҳоси 14 985 000 (Ўн тўрт миллион тўққиз юз саксон беш минг) сўм.

- 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-31029 русумли давлат рақами 80/179 НАА бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси 2 835 933 (Икки миллион саккиз юз ўттиз беш минг тўққиз юз ўттиз уч) сўм.

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, Р-41015 русумли давлат рақами 19-08 ЕА бўлган автоюқалғич

Бошланғич баҳоси 8 521 113 (Саккиз миллион беш юз йиғирма бир минг бир юз ўн уч) сўм.

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ТИКО русумли давлат рақами 80/859 FAA бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 5 916 037 (Беш миллион тўққиз юз ўн олти минг ўттиз етти) сўм.

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГБАСНГ DAMAS русумли давлат рақами 80/917 FAA бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 7 790 610 (Етти миллион етти юз тўқсон минг олти юз ўн) сўм.

VII. Бухоро вилояти Иссиқлик манбаи очиқ акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда 2011 йил 27 декабр куни соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi автотранспорт воситалари кўйилади:

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-4301 русумли давлат рақами 20 АН 196 бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 2 175 000 (Икки миллион бир юз етти беш минг) сўм.

- 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-5312 русумли давлат рақами 20 АН 210 бўлган махсус АПТКМ автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 700 000 (Бир миллион етти юз минг) сўм.

- 1986 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-5204 русумли давлат рақами 20 АН 203 бўлган махсус техник ёрдам автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 960 000 (Бир миллион тўққиз юз олтинчи минг) сўм.

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-5227 русумли давлат рақами 20 АН 195 бўлган юк ташувчи бортли автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 380 000 (Бир миллион уч юз саксон минг) сўм.

- 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, СА3-3507 русумли давлат рақами 20 АН 208 бўлган юк ағдарма автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 920 000 (Тўққиз юз йиғирма минг) сўм.

- 1986 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, УАЗ-315201 русумли давлат рақами 20 АД 106 бўлган махсус "Тез ёрдам" автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 500 000 (Бир миллион беш юз минг) сўм.

- 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ЗИЛ-4314412 русумли давлат рақами 20 АН 207 бўлган махсус автокран автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 2 960 000 (Икки миллион тўққиз юз олтинчи минг) сўм.

- 1980 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, СА3-3503 русумли давлат рақами 20 АН 205 бўлган ўзи ағдарғич автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 360 000 (Бир миллион уч юз олтинчи минг) сўм.

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ЭО-2621 русумли давлат рақами 15-94 БО бўлган экскаватори

Бошланғич баҳоси 4 270 000 (Тўрт миллион икки юз етти минг) сўм.

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, МТЗ-80 русумли давлат рақами 49-83 БО бўлган трактори

Бошланғич баҳоси 790 000 (Етти юз тўқсон минг) сўм.

- 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ЮМЗ-6КЛ русумли давлат рақами 49-20 БО бўлган трактори

Бошланғич баҳоси 2 900 000 (Икки миллион тўққиз юз минг) сўм.

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, жами 4та 2 ПТС-4 793 русумли трактор тиркачалари

Хар билиринг бошланғич баҳоси 720 000 (Етти юз йиғирма минг) сўм.

VIII. "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали билан ҳамкорликда 2011 йил 13 декабр куни соат 15-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi автотранспорт воситалари такроран кўйилади. Булар:

- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, ГАЗ-5204 русумли давлат рақами 20 АВ 472 бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 779 756 (Бир миллион етти юз етти минг тўққиз минг етти юз эллик олти) сўм.

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, ИЖ-2715 русумли давлат ра-

қами 20 АТ 741 бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 429 785 (Тўрт юз йиғирма тўққиз минг етти юз саксон беш) сўм.

- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, КАВЗ-3270 русумли давлат рақами 20 АВ 480 бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 1 265 788 (Бир миллион икки юз олтинчи беш минг етти юз саксон саккиз) сўм.

IX. "Пахтаसानоатчорва" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 2011 йил 27 декабр куни соат 15-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi 2003 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ТИКО русумли давлат рақами 80/191ВАА бўлган автотранспорт воситаси кўйилади.

Бошланғич баҳоси 2 000 000 (Икки миллион) сўм.

X. Бухоро вилояти "Ўза уручилиги" бирлашмаси билан ҳамкорликда 2011 йил 27 декабр куни соат 16-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидagi автотранспорт воситалари кўйилади:

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ДАМАС русумли давлат рақами 80/512 FAA бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 4 000 000 (Тўрт миллион) сўм.

- 2004 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ДАМАС русумли давлат рақами 80/513 FAA бўлган автотранспорт воситаси

Бошланғич баҳоси 4 000 000 (Тўрт миллион) сўм.

XI. Когон шаҳри халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр куни соат 15-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига Когон шаҳри халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳисобидagi 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз ГБА СНГ DAMAS русумли давлат рақами 80/968 ГАА бўлган автотранспорт воситаси такроран кўйилади.

Бошланғич баҳоси 3 000 000 (Уч миллион) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

"АУКЦИОН" савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖга куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

◆ Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомана;

◆ Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

◆ "Аукцион ташкилотчиси"нинг рекузитлари: СТИР: 301480431, МФО: 00120, ДАТ "Асака" банки Бухоро шаҳар филиалидаги 20208000504828225001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi закалат пуллари тўлагандликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

◆ Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати:

Жисмоний шахслар учун — фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун — Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва Уставининг нота-риал тасдиқланган нусхаси.

◆ Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибдаги ишончноманинг асл нусхаси.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизни қизиқтирган барча саволлар буйича куйидаги манзилда мурожаат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Хизматлар лицензияланган.

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг танлаган ва меҳр кўйган касби билан бирон соҳа ривожига ҳисса қўшиш баробарида эл-юртга нафи тегадиган ишларни ҳам амалга ошириб, ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлишади. "Ўзбекистон темир йўллари" очиқ акциядорлик компанияси таркибидаги "Ўзтемирйўлий-ўловчи" очиқ акциядорлик компанияси тизимидаги Кўнғирот-Оролбўйи филиали раҳбари Аденбай Қурбонов ана шундай инсонлардан бири.

Касбнинг яхши-ёмони бўлмас, касбини улуғлаганлар кам бўлмас дейишди. Аденбай ака ҳам касбини улуғлаб, ҳаётда ҳам, фаолиятида ҳам ҳеч кимдан кам бўлмади.

— Темирийўлчиликка болалигимдан қизиқардим, — дейди Аденбай ака. — Эсимда, ўқувчилик пайтида китобларда поездларни, темирийўлчиларни кўрганда мен ҳам келажакда албатта, темирийўлчи бўламан, деган фикр утарди. Йиллар ўтди, мактабни ҳам тамомлади. Мендаги қизиқиш Самарқанд темир йўл техникумига етаклади. Бу ердаги таҳсил давомиди ўзим қизиққан соҳанинг сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга интилдим ва ўқишни тамомлагач, Кўнғирот шаҳридаги вагонларни таъмирлаш депосида цех бригадирини бўлиб иш бошладим. Ингирма йилдан ортиқ вақт давомиди турли лавозимларда фаолият кўрсатиб, филиал раҳбарлигигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Бугун ортага назар ташлаб, фаолиятим мустақиллик йилларига тўғри келганидан ва мамлакатимиздаги, шу жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" очиқ акциядорлик компанияси тизимидаги кенг қўламли ислоротларга ҳамоҳанг равишда кечганидан фахрланаман.

Дарҳақиқат, Аденбай аканинг гапида жон бор. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл тизимини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон темир йўллари жуда катта ривожланишга юз тутди. Биргина Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Элликқалъа-Нукус темир йўл линиясининг ишга туширилиши ва бу йўлда йўловчи ташувчи

поездларнинг доимий қатнови йўлга қўйилиши бу боғидаги ишларнинг нечоғлиқ кўлами катта эканидан дарак беради.

— Бу линиянинг энг аҳамиятли томони шундаки, илгари Туркманистон ҳудуди орқали ўтган йўловчи поездларнинг юртимиз ҳудудиди доимий қатнови

рига қатъий амал қилиниб, даволаш-профилактика ишлари амалга ошириляпти. Шунингдек, ҳар йили Тошкент шаҳридаги ва Кўнғирот туманидаги профилактика санаторияларида дам олиш учун имконият яратилляпти. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, филиалда касаначилик ишлари ҳам яхши

КАСБНИ ИЛГҲРИ УЛУҒЛАБ...



Хамкасблар

йўлга қўйилди ва бошқа мамлакат орқали ўтадиган йўл учун сарфланадиган маблағ тежаллиб, йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиш имконияти яратилди, — дейди Аденбай Қурбонов. — Яна бир эътиборли жиҳати, янги темир йўл линияси ишга туширилганидан сўнг халқаро йўналишларда ҳам янги-янги йўналишлар очилиб, йўловчилар ташиш миқдори анча ошди. Шунингдек, филиалда ҳар кун Кўнғирот-Бейнов-Кўнғирот поезди йўловчиларни маҳаллий йўналишлар бўйича ўз манзилига етказиш учун хизмат қилиб келмоқда ва уларда хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораляпти. Кўнғирот, Хўжайли, Нукус, Тўрткўл, Мискин вокзалларида ҳам барча шарт-шароитлар яратилиб, бу боғидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Айни пайтда филиалда ишчи-ходимлар учун ҳам қўлай шароит яратилган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талаб-

йўлга қўйилган бўлиб, тикувчилик цехи фаолият кўрсатмоқда. Жамоада моддий-маънавий рағбат тўғри йўлга қўйилгани натижасида эришилаётган ютуқларга мустаҳкам замин яратилмоқда.

— Касаначиликни йўлга қўйганимиз ҳам ихобий самараларини бераляпти, — дейди сўхбатдошимиз. — Жумладан, аввало, аҳоли иш билан таъминланаётган бўлса, иккинчидан, сифати ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти тобора кенгаймоқда. Бунинг натижасида ларомад ошиб, касаначиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша бўляпти. Энди бевосита асосий фаолиятимизга келадиган бўлсак, эришаётган муваффақиятларимизда Ўқтам Омонов, Бахт Низикеев, Жамилла Тенгизбаева, Зиёда Олломуродова сингари ишчи-ходимларимизнинг хизмати катта бўлмоқда. Мени қувонтиргани, жамоамиз аъзолари ҳам-жиҳат ва аҳил. Назаримда, энг катта ютуқларимиздан бири ҳам шу аслида.

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Алишер Юсупов "Ўзтемирйўлийўловчи" очиқ акциядорлик компанияси тизимидаги Кўнғирот-Оролбўйи филиали таркибидаги Тўрткўл вокзали бошлиғи. Асли касби иқтисодчи бўлган бу киши 1996 йилда Нукус давлат университетини тамомлаб, мутахассислиги бўйича қарийб саккиз йил мобайнида турли муассасаларда ишлади. 2003 йил Мискин вокзалида ҳисобчи бўлиб иш бошлаганда у ҳар томонлама етуқ кадр бўлиб шаклланди, бир сўз билан айтганда, соҳанинг яхши мутахассиси эди.

Малакали кадр ҳар бир соҳанинг ривожиди муҳим аҳамият касб этиши барчага аён. Алишер Юсупов ҳам салоҳиятидан келиб чиқиб, ўтган йиллар мобайнида Кўнғирот-Оролбўйи филиали таркибидаги ташкилотларда катта-кичик лавозимларда фаолият кўрсатиб, вокзал бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди.

— Мустақиллик менинг фаолиятимда, бинобарин, тақдиримда катта бурилиш ясади, дейди сўхбатдошимиз. — Чунки Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Элликқалъа-Нукус темир йўл линиясининг ишга туширилиши айнан мустақиллик йилларига тўғри келди ва менга ўхшаш жуда кўп инсонларнинг доимий иш билан таъминлашга хизмат қилди. Юртимизнинг улкан иқтисодий ва халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти туфайли чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий кўринишга эга бўлган, барча шарт-шароитлар яратилган вокзаллар қад ростлади. Узоққа бормасдан, ўзим ишлаб турган вокзални мисол тариқасида келтириладим бўлсам, бу ерда транзит йўловчиларга дам олиш, юкларни сақлаш хоналари, буфет, уйга чипта етказиш хизматлари йўлга қўйилган. Ишчи-ходимларимизнинг кўнглидагидек ишашлари учун ҳам барча шароитлар муҳайё.

Соҳамизнинг ривожланишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг ўрни катта. Айниқса, телефон алоқасисиз темир йўл транспорти хизматини кўрсатиш мушкул иш. Шу боис ҳам тизимизга энг илғор алоқа воситалари жорий қилиняпти. Бу биз темир йўлчилар ишини оsonлаштиряпти.

Олий маълумотли иқтисодчи, бунинг устига кўп йиллик тажрибага эга, обрў-эътибори ҳам, турмуши ҳам яхши бўлса-да, Алишер Юсупов негадир ўзидан қоникмас, ўзини улуғлаган соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиш орзуси уни тинч қўймади. 2009 йил Нукус темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежининг очилиши унинг орзулари амалга ошишида катта ўрин тутди. Ёши ўттиз бешни қоралаб бораётган бўлса ҳам укалари тенги ўсим йигит-қизлар қатори ҳужжат топшириб, коллеж талабаси бўлди.

Айни пайтда коллежда "Темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш" йўналиши бўйича иккинчи босқичда таҳсил олаётган сўхбатдошимиз бу ерда яратилган шарт-шароитлардан жуда мамнун.

— Ушбу коллеж Оролбўйида темир йўл транспорти учун мутахассислар тайёрлашда яқин кўмакчи бўлди, — дейди Алишер Юсупов. — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясининг ёрдами билан қад ростлаган уч қаватли ўқув биноси шинамлиги, фан хоналари, ётоқхона, устахона, спорт зали қўлайлиги ва барча шароитлар муҳайёлиги билан киши эътиборини тортади, қувонтиради. Халқимизда бир йигитга қирқ хунар ҳам оз деган нақл бор. Шу маънода, мен ҳам яна бир хунарнинг бошини тутаётганимдан, иккинчи касб эгаси бўлаётганимдан мамнунман.

Алишер Юсупов ҳақида гап кетганда, уни яқиндан билганлар албатта, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишини алоҳида таъкидлашди ва "ҳа, энди иқтисодчи-да, вақтни ҳам тежайди" деб ҳазиллашиб қўйишди. Аслида ҳам бу фикрларда жон бор. Чунки тиниб-тинчимаслик, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш Алишер Юсуповнинг қон-қонига сингиб кетган. Ишда масъулиятни, тартиб-интизомни яхши кўрадиган бу инсон ҳаётда камсуқум, камтар.

Ойгул РАЗЗОҚОВА, журналист

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҲЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТҲРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 13074 нусха.</p>
<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Усмонов ЙҲЛДОШЕВ.</p>	